



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2012 йил
3 октябрь
ЧОРШАНБА
№ 79
(12.507)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

www.th.uz

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида юридик таълимни янада такомиллаштириш ва ҳуқуқшунослик фанини ривожлантиришнинг долзарб масалаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ КАДРЛАРГА БОҒЛИҚ

Палатанинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари ҳамда Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмиталари томонидан ташкил этилган тадбирда сенаторлар, депутатлар, судьялар ҳамда адлия ходимлари, олимлар ва мутахассислар иштирок этди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси А. Саидов, Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари Т. Турсунов, адлия вазирининг ўринбосари Қ. Тоғаев ва бошқалар мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат асослари тобора мустақамлашиб бораётганини таъкидлашди. Ҳокимиятнинг муҳим тармоғи бўлган суд тизими фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қиладиган мустақил давлат институтига айланди.

Президентимиз Ислам Каримов томонидан тақдим этилган "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси"да суд-ҳуқуқ тизимини ислох этиш борасида кенг қўламли вазифалар белги-ланган. Уларни амалга оши-

ришда соҳа ходимларининг билим ва малакаси муҳим аҳамият касб этади.

Шу боис соҳани малакали кадрлар билан таъминлаш, мутахассислар салоҳиятини ошириб беришга долзарб вазифа қаратилаётган. Юридик таълимни янада такомиллаштириш ва ҳуқуқшунослик фанини ривожлантириш, замонавий талабларга жавоб берадиган кадрлар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш бўйича изчил ишлар амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 2 августда қабул қилинган "Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони соҳа вакиллари фаолиятининг самарадорлигини ошириш борасида яна бир муҳим қадам бўлди.

Давра суҳбатига ушбу жараённи янада такомиллаштириш, малакали юристлар тайёрлашда замонавий ёндашувларга мурожаат этиш, тизимга бугунги воқелик, ислохотлар моҳиятини теран англайдиган педагогларни жалб этиш, умумтаълим мактаблари учун ҳуқуқшунос ўқитувчиларни тайёрлашни кенгайтириш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Н. АБДУРАИМОВА,
Ўза мухбири.

ПАХТА - 2012

«МУҚИМИЙ»НИНГ ЗАЛВОРЛИ ХИРМОНИ

Давлат эҳтиёжлари учун пахта хом ашёси тайёрлашнинг бориши тўғрисида бугунгача бўлган тежкор маълумотга қараганда, вилоятимизнинг умумий "оқ олтин" хирмони, кечаги теримни ҳам қўшиб ҳисоб-

лаганда, 170 минг тоннадан ошиб кетди. Бу қабул пунктларига шартномада белгиланган саноат хом ашёсининг учдан икки қисмидан кўпроғи етказиб берилди деган гапдир.

Ушбу салмоқли хирмоннинг жадал ривожланишида Бекобод, Бўка, Оқўрғон, Куйи Чирчиқ туманларининг ҳиссаси, айниқса, катта. Шуниси диққатга сазоворки, бевосита давлатимиз раҳбарининг йўл-йўриқлари асосида экин майдонларини оптималлаштириб бораётган йирик фермер хўжалиқлари туман ва вилоят хирмонларига қўшаётган улушлари ҳам тобора салмоқли тош босмоқда.

"Муқимий" фермер хўжалиги бугун нафақат Чиноз тумани, балки вилоятда энг йирик ва энг илгорлардан

бирига айланди. Хўжаликда пахта майдонининг ўзи бу мавсум 184,3 гектарга етди. Юки шу қадр оғир бўлишига қарамай, хўжалик аъзолари давлат эҳтиёжлари учун пахта хом ашёси сотиш шартнома мажбуриятини пешқадамлар қаторида ба-жариб, қўшимча юзлаб тонна хосил топшироқдалар.

– Кечаги кунгача шартномадаги 571,3 тонна ўрнига 585,6 тонна юқори нав хом ашё топширдик, – дейди фермер Муқимжон Эрхўжаев. – 108 кишидан иборат жамоамиз бутун оила аъзолари билан теримда фаол

иштирок этди. Бундан ташқари, қишлоқларимиздаги 300 дан зиёд уюшмаган аҳоли ҳам бизга кўнгилли равишда катта ёрдам бермоқда. Зеро, шартномани ортиги билан бажарган бўлсакда, хали далаларимизда ҳосил кўп. Иккинчи теримга хали қўл урилмади ҳисоб. Шартномага қўшимча яна камида 200 тонна пахта тошириш имконияти мисл бор. Шу боис то туманимиз ва вилоятимиз ҳам шартномани бажармагунча, терим суратини бир дақиқа бўлсин сусайтирмай давом эттираверамиз.



СУРАТДА: фермер Муқимжон Эрхўжаев. Собир ЗУФАРОВ олган сурат.

Куйида шартнома мажбуриятини барвақт бажарган илгор фермер хўжалиқлари билан танишасиз

ОҚЎРҒОН ТУМАНИ

"Зебо-Шоҳиста-Файз", "Мовлонбой ота", "Омонбек", "Хусанжон Санжарбек", "Жавлон чор ф/х", "Азизбек", "Ругунт", "Холич Ақром", "Шухрат Сарвар-чорва", "Баҳром", "Алибегов Синдор", "Мингли Карим", "Дилшод", "Умнат Сардор Санжар".

БЕКОБОД ТУМАНИ

"Шериев Мамадали", "Бекобод чорвадори", "Хосилат Бурунов Раим", "Бердибоев Яхшибой", "Эгамжон Норжигитов", "Нормат ота", "Жавохир", "Султонон Муҳиддин", "Юсуф ота", "Турдикулов Аширкул", "Маматкулов Носир", "Кундузоғи Эсонтурдиева", "Сарикул Дониш ота", "Азаматбек Шерозбек", "Маманазар ота керайт", "Мағрибул Машрик", "Мунавара Раимберди", "Бекмуҳаммад Бойматов", "Жаҳон Жамол олов".

БўКА ТУМАНИ

"Ҳамракул ота", "Сугдиёна", "Шуқурило", "Офарин Мойтепа", "Мақсуд Даврон", "Турсунбой Нафосат", "Дониёр ТАД", "Арофат Зиё Нур", "Азиммуҳаммад", "Файзимурод", "Алибек", "Дехқонбой Отарик", "С Умида", "Абдуфайз Нуриддин", "Омонтура", "Ахмад ота", "Собиржон Мирзабек", "Шомурод ота", "Холмурод Ашур", "Ахмедов Еркин", "Нурбол", "Эргаш ўғли Равшан қасос", "Бўкалик Раҳимжон", "Умид Т", "Ғулмуҳаммад Шохруҳ", "Ҳасан Азамат Достон", "Музаффар Бобур", "Йўлдош Хожиметов", "Абдурауф Абдували".

Куйи ЧИРЧИҚ ТУМАНИ

"Мирзажон баққол", "Эркинлик", "Озод-хожи агро фаз", "Эргашев Абдурашид", "Казибек бобо", "Урал Искандар", "Аҳмад-қуллов Мамадали".

ЮКОРИ ЧИРЧИҚ ТУМАНИ

"Тайсай-ота", "Рискелди-ота", "Апсен-ота".

ЧИНОЗ ТУМАНИ

"Хусанов Бозорбой", "Убайдулла Ҳамроқуллов", "Кожакент", "Сейт Айдар", "Тулрух Нур фаз", "Агманов С", "Муқимий", "Бойдувалов Умаржон", "Қўлдошев Ёқубжон", "Шерматов Озодбек", "Жавкеев Тожибой", "Момик", "Саидахмедов Хамид", "Усмон ота", "Усмонобод", "Мирсобир ота", "Чиннибоев Мирза".

ПИСКЕНТ ТУМАНИ

"Отакулов Машраб", "Ҳайдаров Шунқориддин", "Одиллов Асадбек", "Зиёда", "Турдибоев Холбой", "Тўхтабоева Муҳаббат", "Эсеркепов Султонмурод", "Жавохир Раҳматиллаев", "Қўшоқова Марям", "Қурбонов Жўра", "Иномов Қодир".

ЎРТА ЧИРЧИҚ ТУМАНИ

"Сарқор Азхар", "Абдувалиев Фатхиддин", "Маматкарим Дилшоджон", "Ҳамдам", "Сайдахмедов Рустам агро", "Равшан", "Бектемир нур агро", "Юсупова Турсиной", "Усмон", "Омад", "Ҳабиб Ориф агро", "Зилола Райхон", "Ғео агро бизнес".

ФАРМОН ВА ИЖРО

ЯНГИ ҚАДАМ – УЛКАН ИМКОНИЯТ

Мамлакатимизда иқтисодий эркинлаштириш ва модернизация қилиш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш орқали ўсиш сурати барқарор жадаллашмоқда. Республика Президентининг "Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони бу жараённи анча тезлаштирди.

– Ҳозирги вақтда ялпи ички маҳсулотнинг 82,5, шу жумладан, саноат маҳсулотининг 91 фоизи, деярли барча қишлоқ хўжалик маҳсулоти нодавлат секторида ишлаб чиқариляпти, – деди вилоят Давлат солиқ бошқармаси бўлим бошлиғи Жасур Нуриддинов. – Таҳлиллар шунини кўрсатмоқдаки, кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2000 йилга нисбатан 25 фоиз ошди, 57,2 фоизга етди, соҳада меҳнат билан банд аҳоли 2 баробар кўпайди.

Лекин, Фармонда қайд этилганидек, айрим бюрократик тўсиқ ва говлар ишбилармонлик ва тадбиркорлик ҳаракатини ривожлантиришга тўғноқ бўлаётгани ҳам бор гап. Ишбилармонликнинг ҳозирги ҳола-

Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Янги технологиялар илмий-ахборот маркази тадбиркорлик субъектларига электрон рақамли имзо бергани учун тўлов энг кам иш ҳақининг 20 фоизидан 10 фоизга туширилди. Иккинчидан, шартномавий муносабат ва шартномалар шартлари ижроси учун жавобгарлик соҳасида учта, ташқи иқтисодий фаолият соҳасида 7 та, меҳнат муносабатларига тааллуқли 2 та янги меъёр ва тадбирлар жорий этилди. Яна бир муҳим янгилик хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисоб рақамларидан солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш жараёни билан боғлиқ. Эндиликда суд қарорлари асосида суд ижрочилари шу қарзни ундириш бўйича инкасса талабномалари кўйган бўлса, солиқ идоралари айнини шу хусусда кўйган инкасса топшириқномаларининг ижроси беркор қилинади.

(Давоми 2-бетда).

ЖИСМОНАН ЕТУК, МАЪНАН БАРКАМОЛ АВЛОД УЧУН

Сўнги йилларда мамлакатимизда спортни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Негаки, спортнинг жисмонан етук, маънан баркамол авлодини тарбиялашдаги ўрни ва роли беқийс.

Вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманларида ўтказилаётган турли спорт мусобақалари замирида шундай эзгу мақсад мужассам. Қиррай туманида ана шундай мусобақаларнинг навбатдагиси – 3-болалар ва ўсимир-

лар спорт мактаби биринчилиги ўтказилди. "Ҳумо" болалар соғломлаштириш мажмуасида кечган қизиқарли беллашувларда 1997-1999 ва 2000-2003 йилда туғилган 85 нафар ёшлар иштирок этди. "Тақдиримсан, бахтимсан,

эркин ва обод Ватан!" шiori остида ўтказилган беллашувни кузатган ҳакамлар якуний натижаларни эълон қилдилар. Унга кўра, Салоҳиддин Абиев, Бехруз Даминов, Шаҳзод Илёсалиев, Собир Йўлдошев, Бекзод Унарлов мусобақа чемпиони бўдилар. Голибларга ташкилотчи, хомийларнинг эсдалик совғалари тақдим этилди.

Ирода НОРБОЕВА.



СУРАТДА: мусобақадан лавҳа. Даврон АҲМАД олган сурат.

2012 йил - МУСТАҲҚАМ ОИЛА ЙИЛИ

Бола тарбияси мураккаб жараён дегими. Базийда қўлланган натижага эришмасак, фарзандларимиз табиатида пайдо бўлган норасоликлардан ажбланишимиз. Айтилик, бир қориндан талашиб тушган, бир дастурхондан таомланиб, бир кўрпа остида ётиб, ўйнаб-қулиб ўсишган болаларимиз ҳар бири оёққа туриб, уйли-жойли бўлиб кетишгач, ўртадаги тотувлик, аҳиллик йўқолади.

Хийла худбин, кўпроқ ўзини, ўз бола-чақасини ўйлайдиган, нафақат туғишганлари, ҳатто биз, ота-оналарига нисбатан ҳам бекфарққоқ бўлиб қолишадиган. Шунда олдимида бир савол кўндаланг бўлади: "Қандай ҳолатга йўл қўйдик, бундай бўлмаслиги керак эди-ку, ёки кўнадан юкдими ё бўлмаса қонимизда наслий-ирсий бир иллат пинҳон бўлиб буларда юзага чиқдимми?"

ҚАЛБ ТАРБИЯСИ

Чуқурроқ мулоҳаза қилсак, муаммо илдиизга етмиш, албатта. Гап шундаки, фарзандлар болалигида ота-она назоратида бўлади. Кўнгилларида ҳар турли вазиятлар, ноҳақлик бўлиб туялган воқеаларга нисбатан пайдо бўлган норозиликлари кўп холларда ичларида сақлашади. Юзага чиқаришдан қўрқишади. Ҳа, қўрқишади. Қўрқувни эса биз пайдо қилганмиз. Уларни тушулмаганмиз, кўнгилларига йўл топмаганмиз. Қаттиққўллик билан уларни "жиловлаб" турганмиз. Натижада ёш

гўдак қалбида пайдо бўлган кичик норозилик ҳам сиртга чиқмаган. Ичиде қолиб, йиғилиб, "туғун" бўлиб бораверган. Норозилик туғилишига ҳаминша сабаб топилади. Масалан, биридан бирини устун қўямиз, бирини эркалаб, бирини койимиз, бирини жазолаб, бирини мунофотлашга ва ҳоказо... Натижада, ўзимиз билмаган, истаманган ҳолда, ака-ука, опа-сингил фарзандларимиз қалбида бир-бирига нисбатан адоват қуртакларини пайдо қилиб қўйган бўлишимиз, улар улғайгани сари юракдаги туғунча-

лар ҳам катталашиб борганда, "эркинлик"ка чиқишгач, яъни оила қуриб, мустақил бўлиб олишгач, ҳалиги "адovat туғунлари" ечилиб, юзага чиққан бўлиши мумкин. Демак, айб ўзимизда экан. Энди ҳар қанча уринмайлик, бир қориндан талашиб тушган болаларимиз орасини яқинлаштиришга ҳаракат қилмайлик, қутилган натижага эришгимиз қийин. Йўл бошида қўйилган битта нотўғри қадам бутун йўл бўлиши йўловчини машаққатга солиши турган гап.

(Давоми 2-бетда).

2013 йил учун ОБУНА
бошланди. «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»
газетаси индекси – 205.



«АСАКА» БАНК КРЕДИТЛАРИ

"Асакa" акциядорлик тижорат банки томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида 2012 йилнинг ўтган даври мобайнида 382 миллиард 800 миллион сўм микдорида кредит ажратилди. Натижада 20 миңдан зиёд янги иш ўринлари яратилди.

2012 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш учун жами 500 миллиард сўмдан зиёд кредит ажратилиш кўзда тутилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Оқил-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва мамлакат ички бозорини тўлдирish бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига асосан жорий йилда 86 миллиард 400 миллион сўм кредит ажратилди.

Шунингдек, ноозик-овқат истеъмол моллари ишлаб чиқариш ва аҳолига сотиш тадбирлари доирасида 74 миллиард 600 миллион сўм микдорида кредит ажратилди. Бундан ташқари, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланётган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш учун 29 миллиард сўм кредит маблағлари сарфланди.

"Туркистон-пресс".

ФАРМОН ВА ИЖРО

ЯНГИ ҚАДАМ – УЛКАН ИМКОНИЯТ

Маълумки, тадбиркорлар давраларида, илмий-амалий анжуманларда ишбилармонлик ва тадбиркорликка оид қонунчилигимиздаги но...

Фармонда кенг қўламдаги тадбирларни амалга ошириш назарда тутилган. Энг асосийси, қонунчиликни такомиллаштириш ва ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш бўйича 2013-2014 йилларда жорий этиладиган чора-тадбирлар дастури тасдиқланди.

(Давоми. Боши 1-бетда).

тиб-таомилларни тезлаштириш, кредитлаш тартибини яхшилаш ва кредит бюралари фаолиятини такомиллаштириш, инвесторларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтириш, тадбиркорлик субъектлари учун солиқ юқини янада пайсалтириш ва солиқ маъмуриятчилиги тизимини мукамаллаштириш, ташқи савдо билан боғлиқ тартибларни либераллаштириш, тадбиркорлик субъектларининг тўлов қобилиятини тиклаш, шунингдек, бизнесни тугатиш тартиб-таомилларини янада соддалаштириш, ишга ёллан ва меҳнат муносабатлари билан боғлиқ шартносларни такомиллаштириш, тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилишни кучайтириш масалаларини ўз ичига олади.

Бугунги кунда халқаро амалиётда давлат ва назорат идоралари

камдан-кам ўзаро мулоқотга киришадилар, бу иш электрон шаклда амалга оширилади. Шу усулга ўтиш саъй-ҳаракатлари ҳақида нима дея оласиз?

Президент Фармонидан бу борада халқроқ даражага кўтарилишини аниқ чора-тадбирлари белгилаб қўйилган. Фармонга мувофиқ давлат ва назорат идоралари билан тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги муносабатларнинг бевосита мулоқотсиз, яъни электрон шаклларини ҳамма жойда татбиқ этиш талаб қилинмоқда.

Бу соҳада муайян таъриб ва борада халқроқ даражага кўтарилишини аниқ чора-тадбирлари белгилаб қўйилган. Фармонга мувофиқ давлат ва назорат идоралари билан тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги муносабатларнинг бевосита мулоқотсиз, яъни электрон шаклларини ҳамма жойда татбиқ этиш талаб қилинмоқда.

22 тага етказиш режалаштирилган.

Келгусида бу жараён янада кенг қўлам касб этади. Чунончи, 2013 йилнинг 1 январидан бошлаб, тадбиркорлик субъектлари тегишли давлат ва ҳўжалик бошқаруви идораларида бир қатор тартиб-таомилларни ўз хоҳишларига кўра электрон шаклда амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлиш қўзда тутилган. Жумладан, банк ҳисоб варақаларига масофадан туриб хизмат кўрсатиш, шу жумладан, "Интернет-банкнинг" тизими орқали солиқларини ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш, юқларни боқхонада расмийлаштиришда тадбиркорлик субъектлари томонидан товарларни декларация қилиш, "Бир ойна" тамойили бўйича юридди шахсларнинг кўчмас мулкка бўлган эғалик ҳуқуқларини рўйхатга олиш, тадбиркорлар даъво аризалари ва ил-

ҚАЛЬ ТАРБИЯСИ

Ҳаётий бир мисол. Бир аёл оиласидан тинчимади. Фарзанд кўрмади. Эри кетиб, ёлғиз қолади. Унинг ўқиси бевақ дунёдан ўтиб, ёш бева қолган дийдаси қаттиқроқ келини уч болани эғасис қолдириб, турмушга чиқиб кетади. Аёл уни қаргай-қаргай, жиянларини қарамоғига олади. Улғайтиради, бош бўлиб ўйли-жойли қилади. Аммо, оёққа туриб олган жиянлар аммаларига у истоганчалик, кутганчалик меҳр бермай қўйиб қолди. Аёл норози, улардан нолийди, етим бола асраб, "юрэк-бағри доғ" бўлганини дастурхон қилади...

Нега бундай бўлди? Ўз онасидан кўрмган фидойиллиқни, меҳр-оқибатни аммасидан кўришган экан, жиянлар унинг қадрига етиши, атрофида парвона бўлишлари лозим эди-ку? Лозим эди, аммо... Гап шундаки, жиянлар аммасининг даргоҳида бировдан кам бўлиб, еб-ичиб ўсишган бўлишса-да, бир умр унинг ҳасратини, дийдасини эшитишга мажбур эдилар. Амма жиянларини ташлаб кетган беҳеж келинини қаргарди, уни хотинликка танлаган калтабин марҳум ўқасининг руҳини тинч қўймасди. Қариндош-уруғлар (айниқса келини томондагилар)ни гийбат қилишдан чарчамас, сенлар ҳозир фақат менга кераксанлар, эрта одам бўлсаларинг қариндошман деганлар кўпайиб кетади, дея ҳамманни ёмонотлиққа чиқарарди. Натижада болалар қалбида ҳали мурғаклигидаёқ катталарга нисбатан адоватли, гаразли тасаввурлар ниш ур бошлади. Етимлар қўли қисқа, имкони чекланган амманнинг ноҳуш дийдёлариндан толиқиб кетишса-да, мажбурийат юзасидан унинг қўл остида яшашга, барчасига чидашга маҳкум эдилар. Улғайган эса ундан

"Тошкент ҳақиқати" мухбири Жўра САЪДУЛЛАЕВ суҳбатлашди.

2012 ЙИЛ - МУСТАҲҚАМ ОИЛА ЙИЛИ

ҚАЛЬ ТАРБИЯСИ

нарироқ бўлишни маъқул кўриб қолиши. Йўқлаб келишганларида ҳам кўп ўтиришмас, "ҳасрат дастурхони" очила бошлаши билан, шошиб турганларини баҳона қилиб кетиб қолдирган бўлиши.

Бошқа бир ҳаётий мисол. Аёл эридан бемаврид жудо бўлиб, бир этак болали елғиз ўзи оёққа қўйди. Фарзандлар ақли расо, меҳр-оқибатли бўлиб вояга етди. Бугунги кунда у нуруний, бағри бутун онахон. Ўғил-қизлари, келин-куёвлари атрофида парвона. Невара, чеваралари йилгилиши келганда катта ҳовлига сиғишмайди. Юқоридаги аёл тақдир билан муқояса қилиб, ҳа энди у амма эди, бу ўз онаси, фарқи бор-да, дейишингиз мумкин. Йўқ, гап унда эмас. Ҳамма гап - бола қалбига экилган уруғ. Бир этак норасида билан қолган, табиатан сабрли аёл бўлиб, тилидан шўкрона сўзлар тўшмасди. У марҳум эрини тилидан бол томиб фарзандларига мақтар, йўқласа, йўқламанса, эрининг қариндош-уруғларини ҳам дуо қилиб, олақаб ўтирарди. Масалан, оилада кимнингдир туғилган кунини ё бирор тадбир ўтадимки, қариндош-уруғ, кўни-қўшилар совғаси ёки ёрдамни, катта-кичиклигидан қатъи назар, албатта, миннатдорлик билан гапирар, "бир боғ пивёз" келтиргани катта бир гулдаста келтирган каби қадрини ошириб кўрсатарди. Нолши, норозилик нималигини билмас, мабодо болалардан бирови кимдандир ранжиб қолса, она ўша одамнинг яхши хислатларини гапириб, боласи кўнглида унга нисбатан алам-адоват сақлашиб қолишига йўл қўймайди. Чорасини изларди. Бу хонадонда ҳеч ким гийбат қилинмас, аксинча яқинми, йироқми, кимнингдир ҳаётида яхшилик юз

берса қувонишар, ноҳушлик содир бўлса, афсус чекишар, улар билан ҳамдард бўлишга ҳаракат қилишарди. Ва охир-оқибатда фарзандлар наинки бир-бирлари, оналари ёки қариндош-уруғларига, балки кўни-қўши, таниш-нотаниш, маҳалла-қўй аҳлига нисбатан ҳам меҳр-оқибатли бўлиб вояга етишди.

Ҳаётий мисоллардан кўриниб турибдики, бола тарбиясида унинг устини бутлаб, қорнини тўқлаб, илму хунарли қилиб қўйиш билан иш битмас экан. Ҳаммасидан аввал боланинг руҳини тарбиялаш, қалбини эзгулик, яхшилик туйғуларини билан озиклантириш лозим экан.

Тасаввур қилинг: бир оилада бир неча ўғил-қиз вояга етмоқда. Вақти соати билан ўғилларга қай бир хонадонлардан келинлар келади. Қизлар қай бир хонадонларга узадилади. Бир оила бир неча оила билан қандайдик, қондошлик-қариндошлик ришталари билан боғланади. Ўзаро жипслик, меҳр-оқибат пайдо бўлади ва бу жараён муттасил давом этади.

Қадимда подшоликлар ўртасидаги қиз олиб, қиз беришлар бутун бошли мамлакатлар тинчлигини, бир-бирига ақинлашувини таъмин этганлигини билмасди. Истардикки, юртимизда дунёга келаётган ҳар бир янги оила шундай ўзаро аҳиллик, иноқлик, меҳр-оқибат кучайишига олаб келсин. Жамият ва мамлакат таъини бўлган мустаҳкам оилалар кўпайиб, уларда ҳар томонлама етуқ, ақил расо, илму хунарли, ёрқин фикрли, элпарвар, ватанпарвар баркамол ёшлар вояга етсин. Юртимиз тинч, мустақиллигимиз бардавом бўлсин... Курбон ҳожи ТУРСУНОВ, вилоят бош имом-хатиби.

КўРГАЗМАДА ОЗАРБАЙЖОН ГИЛАМЛАРИ

Art Week Style.uz санъат ҳафталигида замонавий кинематография янгиликлари, жонли театр, ўзаро уйғунлашган замонавий санъат ҳамда анъанавий мерос намуналари, халқаро илмий анжуманлару оммавий мажорат дарслари қаторида турли халқлар амалий санъати намуналаридан иборат кўргазмалар томошабинлар эътиборига ҳавола этилади. Миллий санъат марказида 8 октябрь куни соат 17:00 да ўз ишини бошлайдиган "Сохрили тугунчалар" номили Озарбайжон гиламлари кўргазмаси ҳам энг эътиборли лойиҳалар қаторидан ўрин олган.

Экспозицияга қўйилган 60 та санъат асари даржа-асари гиламлар Озарбайжон давлат гилам ва халқ амалий санъати музейи тўпламидан олинган. Кўргазмада Озарбайжон гиламдўзчилиги бағишланган фотосуратлар ва видеолик намойиш этилади.

Озарбайжон халқининг гиламдўзлик тарихи бронза асрига бориб тақалади. Айнан мана шу даврда гилам ушбу мамлакат аҳолисининг уй-рўзгор буюмларидан бирига айланган. Бу юрт гиламлари гоёвий эстетикаси, тасвир аниқлиги билан ажралиб туради. Қадимий тарихчи Геродот қолдирган маълумотларга кўра, Кавказда гиламдўзликда ўта чидамли ва нозик тусли ўсимлик бўёқларидан фойдаланилган. VIII-XV асрларда озарбайжонча гиламлар Кавказдан гарбга юбориладиган асосий буюмлардан ҳисобланган. "Туркистон-пресс".



МЕҲНАТИНГИЗ ТАҲСИНГА ЛОЙИҚ

Чамаси учинчи синфда ўқир эдим. Устозлар байрамга тайёргарлик кўрарканмиз, бир қўшиқни қайта-қайта такрорлаб, ёд олишга ҳаракат қилардик.

"Меҳр нури ёғар доим, юзингиздан устозлар! Юрсам дейман шу табарруқ изингиздан устозлар". Ўшанда қўшиқнинг мазмуни-моҳиятини англаб етмаган эканман.

Пискент туманида 1 октябрь - Ўқитувчи ва мураббийлар кўни муносабати билан ташкил этилган байрамда қўшиқ мазмунини янада чуқурроқ англадим.

Чинданга бизга сабоқ бериб, ҳам жисимимизни, ҳам руҳимизни тарбиялаган устозлар юзидан нур тараларди. Бугун уларнинг изидан юриш бахтини ҳис этдим.

"Ватанимизнинг келажаги, халқимизнинг эртанги кўни, мамлакатимизнинг жажон ҳам жамиятидаги обрў-эътибори, - деб таъкидлайди давлатимиз раҳ-



қибриб боришига боғлиқдир". Бундан бери билм ва таърибасини ишга солиб, сидқидилдан ёшларга сабоқ бераётган устоз ва мураббийларнинг меҳнати катта. Шундан бўлса керак мамлакатимизда ўқитувчилар меҳнати ҳаммаша эъзоз-

байрам арафасида жонқуяр муаллим ва устозларимизнинг униб-ўсиб, улғайиб, қандай инсон бўлиб ҳаётга



ТАДБИРКОРГА КЕНГ ЙЎЛ

Савдо-санъат палатасида тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш масалаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Таъдбирда Президентимизнинг "Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботлари, лицензияландирилган фаолият турларини ва руҳсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги ҳамда "Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида" ги Фармонлари аҳамияти ва моҳияти ҳусусида сўз борди. "Туркистон-пресс".

ЎФИЛ-ҚИЗЛАР САҒГА ҚЎШИЛДИ

"Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати йил давомида бажарган ишларни сарҳисоб қилиш, ҳаракатини бошланғич таъкилоти етакчилиги фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида ҳисобот-сайлов йиғилиши ўтказди.

Ўрта Чирчиқ туманидаги 26-умумий ўрта таълим мактабида бўлиб ўтган йиғилишда "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ва "Қамалак" болалар ташкилоти аъзолари иштирок этди. Йиғилишда ҳаракатнинг бошланғич ташкилоти етакчилари фаолияти таҳлил қилинди. Шунингдек, балдаги вазифалар режаси белгилаб олинди. Бундан ташқари, ҳар икки ташкилотнинг етакчи ва сардорлари ҳам сайлаб олинди. Тумандаги 3-умумтаълим мактабида "Қамалак" болалар ташкилотига аъзоликка



«АСАКА» БАНК КРЕДИТЛАРИ

"Асака" акциядорлик тижорат банки томонидан кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида 2012 йилнинг ўтган даври мобайнида 382 миллиард 800 миллион сўм миқдорда кредит ажратилди. Натижада, 20 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилди. 2012 йилда кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш учун ҳамма 500 миллиард сўмдан зиёд кредит ажратилиш қўзда тутилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва мамлакат ички бозорини тўлдириб бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ги қарорига асосан жорий йилда 86 миллиард 400 миллион сўм кредит ажратилди. Шунингдек, ноозиқ-овқат истеъмол моллари ишлаб чиқариш ва аҳолига сотиш тадбирлари доирасида 74 миллиард 600 миллион сўм миқдорда кредит ажратилди. Бундан ташқари, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш учун 29 миллиард сўм кредит маблағлари сарфланди. "Туркистон-пресс".

ТИББИЁТ СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК

Ноябрь ойида Тошкентда "Ҳаёт учун!" кўкрак бези саратони миллий уюшмаси ва Исроил давлатининг нуфузли клиникаси "Хадасса" ўртасида меморандум имзоланиши режалаштирилган. Шунингдек, исроиллик шифокорлар тиббиётининг турли йўналишлари бўйича маҳаллий мутахассислар учун мажорат дарсларини ўтказадилар.

Бу имкониятга ўзбекистонлик делегация аъзоларининг ҳамкорлик ва малака ошириш мақсадида Исроил клиникаларидан бирига ташрифи доирасида эришилди. Делегация таркибида "Ҳаёт учун!" кўкрак бези саратони миллий уюшмаси директори Шахноза Умарова, "Аёллар кенгаши" РЖБ аъзоси, Ўзбекистон Фанлар академияси Иммунология институти директори, профессор, тиббиёт фанлари доктори, иммунолог-шифокор Тамара Орипова, Ўзбекистон Республикаси бош онколог, Тошкент шаҳар онкология диспансери бош шифокори, тиббиёт фанлари доктори Мирза Гофур Охунвалар иштирок эттишти.

Ташрифдан қўзланган асосий мақсад онкологик касалликлар ва гепатитни даволаш ҳамда бош суяги чаногини кўчириб ўтказиш амалиёти борасида Исроил тиббиёт муассасалари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш ва ривожлантиришдан иборат. Ташриф вақтида "Ҳаёт учун!" кўкрак бези саратони мил-

ҲАФТАЛИК

ТЕЗ, АНИҚ ВА СИФАТЛИ

Халқ истеъмол товарларининг кўргазма-ярмарка савдоси республика марказида Ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталиги доирасида анъанавий "ICT-students" компьютер спорти универсиадаси бўлиб ўтди.

Замонавий ахборот технологияларини қўллаш жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришининг муҳим омилларидандир. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда бу борада улкан ютуқларга эришилди. Президентимиз Исроил Каримов томонидан асосий принциплари белгилаб берилган ахборотлаштиришни ривожлантириш соҳасидаги давлат сийасати мамлакатимизнинг жаҳон ахборот маконига интеграциялашувига бевосита хизмат қилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 21 мартда қабул қилинган "Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги қарори ушбу жараёнда муҳим дастуриямал бўлмоқда.

Анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган ушбу универсиадада пойтахтимизнинг Юнусобод касб-хунар коллежи, Тошкент ахборот технологиялари касб-хунар коллежи, Мирзо Улугбек ахборот технологиялари касб-хунар коллежи, Ҳамза компьютер технологиялари касб-хунар коллежи ва Тошкент ахборот технологиялари университетидан бешта жамоа катнашди. Ҳар йили ушбу беллашув компьютер технологиялари



«АСАКА» БАНК КРЕДИТЛАРИ

"Асака" акциядорлик тижорат банки томонидан кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида 2012 йилнинг ўтган даври мобайнида 382 миллиард 800 миллион сўм миқдорда кредит ажратилди. Натижада, 20 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилди. 2012 йилда кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш учун ҳамма 500 миллиард сўмдан зиёд кредит ажратилиш қўзда тутилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва мамлакат ички бозорини тўлдириб бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ги қарорига асосан жорий йилда 86 миллиард 400 миллион сўм кредит ажратилди. Шунингдек, ноозиқ-овқат истеъмол моллари ишлаб чиқариш ва аҳолига сотиш тадбирлари доирасида 74 миллиард 600 миллион сўм миқдорда кредит ажратилди. Бундан ташқари, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш учун 29 миллиард сўм кредит маблағлари сарфланди. "Туркистон-пресс".

МАРДЛАР ҚҮРИҚЛАЙДИ ВАТАНИ!

Қуролни бир қур кўздан кечириб олиб, чегара постига отланаётган дўстлари сафига тураётиб, оддий аскар Иномжон Иброҳимовнинг хаёли чегара хизмати зийрак туриб ўташ фикри билан банд эди, албатта. Шу масъулият яқинлари ва эл-

юрт олдидаги жавобгарлик туйғуси билан омухта бўлиб, чегарада зийрак, ҳушёр бўлиш, қўшни мамлакат томонидagi ҳар бир ҳаракатни синхронлаштириш, зарурат туғилса, ҳеч иккиланмай, қарор қабул қилишга шай туришга ундагани аниқ.



либ ўсан Гулистон қишлоғининг "Қўрғон" маҳалласи барпо бўлиб, бундай издиҳомни кўрмаган эди. Унга бутун қишлоқ тўпланди, қўшни қишлоқлардан, Зафардан одамлар йиғилди. Қишлоққа кирверишга му-

ИНОМЖОННИНГ ЖАСОРАТИ

вақат минбар ўрнатилди. Ботир ўғлон хотирасини абадийлаштиришга бағишланган митинг бошланди. Чегара қўшинлари қўмондонлиги вакили офицер Рустам Эминжонов оддий аскар Иномжон Иброҳимовнинг давлат чегараларини ҳимоя қилишда қўрсатган мардлиги, Гулистон ўғлонининг мустақил Ўзбекистон олдидаги хизматлари "Жасорат" медали билан тақдирлангани ҳақида гапирди.



учолмас ёв калхати, Мен ҳам лочин эдим, энди фалакларда тирикман, Ватан дея уриб турган юракларда тирикман. Шоир Ҳўшбўй ўқиган шеърнинг мисралар митинг қатнашчиларидан ҳар бирининг юрак торларини чертиб ўтгандек бўлди. Катта ҳаёт кўрган мўйсифидлар, энди мактаб бағрига қадам қўйган ўғил-қизлар, шундай довуруқ ўғлонларни аллалаб

Бугун Иномжоннинг мактаб йилларини эсласам, болаликдан унда кунт-ғайрат, жисмоний чиниқиш, маънавий баркамолликка интилиш қанчалик кучли бўлганини хаёлимга келди, — дейди қишлоқ мактаби директори Қосимжон Эрнazarов. — Шу иштиёқ уни коллежнинг жисмоний тарбия бўлимига етаклаб борди.

Коллежни тугатган, ҳарбий хизматга отланди, туман мудофаа ишлари бўлимида тест синовларини муваффақиятли топириб, чегара қисмида хизматни ўтай бошлади. Қисқа фурсатда ҳарбий малака орттириб, сардорларнинг барча буйруқларини ғайрат билан бажара бошлади. Ўша охириги кунни ҳам ҳарбий қасамга содиқ қилиб, тенгсиз жандга чегарани сўнгги нафасигача мудофаа қилди.

Қаҳрамон чегарачи туғи-



катта қилган оналар кўксидан нидо бўлиб акс-садо берди. — Қаҳрамон ҳаюртимиз номини олган бу кўча бутун Бекобод қишлоқларининг энг обод, кўркем, беназир кўчаларидан бири бўлиб қолади, — деди туман ободонлаштириш ва коммунал-хўжалик бўлими бошлиғи Одилов Абдукаримов. — Унинг бўйларига бир-икки кунда 100 туп арча ва кўпала бошқа манзарали дархат кўчатлари экилди. Автйўл идораси кўчани таъмирлаб, асфальтлашга киришди. "Сайёра Орзу" масъулияти чекланган жамияти уйлари таъмирлади.

Биз Иномжон Иброҳимов сингари журъдлик, жасоратли инсонларнинг ёрқин мисолида фарзандларимизни она Ватанимизга садоқатли, мустақилликни мустаҳкамлаш учун куч-ғайратини аямайдиган баркамол инсонлар қилиб тарбиялаймиз, — деди Бекобод тумани ҳокими, Ўзбекистон Республикаси Сенати аъзоси Шодибек Ҳамроев қаҳрамон жангчининг ота-онаси Исқандар ва Бўжор Самадовларга таскин бериб. — Юзлаб, минглаб йигит-қизларимиз Иномжоннинг ёрқин хотирасини эъзозлаб, сизларнинг, эл-юртимизнинг хизматидида ҳамма кўчма қисматга туришди. Иномжон ҳаёт, у кўз олдиндаги ўсиб-ўлғаяётган ўғил-қизларимизни қиёфасида, ғайрат-шижоатда яшайди.

Жўрабек МУРОДОВ.

СУРАТАЛАРА: қаҳрамон чегарачи Иномжон Иброҳимов хотирасини абадийлаштиришга бағишланган митинг пайти.

Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.

МАҲАЛЛА ФУТБОЛИ

МУСОБАҚА БАЙРАМДЕК ЎТДИ

Кейинги пайтларда вилоят шаҳар ва туманларда маҳалла футбол жамоалари мусобақаларини ўтказиш изчиллик касб этиб, энг мақбул анъаналаримиздан бирига айланиб бормоқда. Энди маҳалла жамоалари ўртасида шаҳар, туман ва вилоят биринчиликлари уюштирилмоқда.



Таъкидлаш жоизки, маҳалла футбол жамоалари тўп тегишга чинакам ишқибоз кўча болалари, аниқроғи кўча жамоаларидан сараланиб ташкил топади. Дунёга машҳур футболчиларнинг асарияти бир пайтлар кўча футболни вакиллари бўлишганини ҳамма билади. Юртимизда болалар спорти йил сайин ривожланиб бораётгани боис футбол ҳар бир маҳаллага кириб боргани ҳам гувоҳимиз. Ҳозир футбол майдони йўқ кўча қолмади десак муболага бўлмайди. Бу маҳалла фуқаролар йиғинларининг астойдил саъй-ҳаракатлари самараси, албатта. Жумладан, Ўрта Чирчиқ тумани, Оқота қишлоғидаги "Машъал" маҳалласи оқсоқоли Маммуристон Йўлдошев ўзи ўрнатган бўлиб, ташаббус билан чиқди. Дилшод Орзиқулов, Кўчқор Холсаидов, Мам-

"REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич охири шартлида ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этилди!

Савдога қўйиладиган кўчмас мулклар тақридан қўйилмоқда: 1. Бекобод шаҳар СИБ томонидан 14.11.2011 й. № 361-сонли ижро варақасига асосан Тошкент вилояти, Бекобод шаҳри, 3-даҳа, 1-й, 1-қаватида жойлашган 79-сонли савдо дўкони. Бошланғич баҳоси — 69 203 970 сўм. 2. Бекобод шаҳар СИБ томонидан 14.11.2011 й. № 13129-сонли ижро варақасига асосан Тошкент вилояти, Бекобод шаҳри, Аббосова кўчасида жойлашган цемент омборхонаси ва унинг ёнидаги қурилиш тугалланмаган савдо дўкони. Бошланғич баҳоси — 121 124 262 сўм. 3. Паркент тумани СИБ томонидан 28.01.2011 й. № 1-268/11-сонли ижро варақасига асосан Тошкент вилояти, Паркент тумани, Хисарак қишлоғида жойлашган савдо дўкони биноси. Бошланғич баҳоси — 2 158 000 сўм. 4. Паркент тумани СИБ томонидан 28.01.2011 й. № 1-268/11-сонли ижро варақасига асосан Тошкент вилояти, Паркент тумани, А. Навоий кўчасида жойлашган савдо дўкони биноси. Бошланғич баҳоси — 4 092 000 сўм. 5. Олмалик шаҳар СИБ томонидан 02.12.2011 й. № 12963-сонли ижро варақасига асосан Тошкент вилояти, Олмалик шаҳри, Чамбил 2-кўчасида жойлашган бино ва иншоотлар мажмуаси. Бошланғич баҳоси — 1 445 492 981 сўм. 6. Қибрай тумани СИБ томонидан 01.05.2012 й. № 6237/5-сонли ижро варақасига асосан Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Салар ш.ф.й., "Селекция" маҳалласида жойлашган қурилиш-тикувчилик устанонаси. Бошланғич баҳоси — 50 539 500 сўм. Аукцион савдоси 2012 йил 19 октябрь кун соат 11:00 да бўлиб ўтади. 7. Чирчиқ шаҳар СИБ томонидан № 7027-сонли ижро варақасига асосан Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, В. Қодиров кўчасида жойлашган, 235-ўй. Бошланғич баҳоси — 86 321 265 сўм. 8. Чирчиқ шаҳар СИБ томонидан 7172-сонли ижро варақасига асосан Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Кангли кўчаси, 16-ўйда жойлашган ишлаб чиқариш комплекс. Бошланғич баҳоси — 2 534 477 931,47 сўм. Аукцион савдоси 2012 йил 5 ноябрь кун соат 11:00 да бўлиб ўтади. Юқоридagi мулклар 2012 йил 5 ноябрь кун соат савдога сотилмаган тақдирда, мазкур мулкларни сотиш юзасидан тақрироти савдо 2012 йил 20 ноябрь кун соат бўлиб ўтишини маълум қиламиз. Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан суд департаменти вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабдорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш аукцион кунидан бир кун олдин тўхтатилади. Савдога қатнашиш истагидagi талабдорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закатла пулини "REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖ Тошкент шаҳри, "Ипотeka банк" АТБ Шайхонтохур филиалига қўйиладиган ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000504936050002, МФО 00425, СТИР 207125885. Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 184-ўй. Телефон (8-371) 266-80-76. Лицензия: RR-0052.

Абдуқодир ЭҒАМКУЛОВ олган сурат.

БИР САВОЛГА УЧ ЖАВОБ

МАҲАЛЛА — ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ МАРКАЗИ

Миллий мустақиллик йиллари маҳаллалар фаолиятини янги йўналиш ва халқчил мазмун билан бойитди. Уларнинг ваколатлари кенгайиб, фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш жараёнида муҳим бўлини айланди.

"Тошкент ҳақиқати" мухбири бир гуруҳ маҳалла оқсоқолларига: "Ўтган йилларда маҳаллаларнинг ҳаёти қандай янги йўналишлар билан бойиди?" деган савол билан мурожаат қилди. Қуйида олинган жавобларнинг айримларини ўқийсиз.

ОИЛА МУСТАҲҚАМ — ТУРМУШ ЧАРОҒОН

Муаззама ТУРДИАЛИЕВА, Чирчиқ шаҳар Аҳмад Яссавий номида маҳалла фуқаролар йиғини раиси: — Маҳалламизда маънавий-жисмоний баркамол янги авлодни тарбиялашда бирмунча тажриба тўпланди. Фаолларга таяниб амалга оширган ишларимиз ҳисобга олинми, Халқ демократик партияси ташкил этган кўрик-танловнинг вилоят босқичида оилаларни мустаҳкамлаш борасидаги энг таъбиқубор маҳалла тарихисидан тақдирланди. Сўнгги йили йилда маҳалламизда биронта ҳам ажралиш ҳолати кузатилмади. Бутун тарбия ишларини 38

та ибратли оила мисолида ташкил этаётганимиз, уларда қарор толган соғлом маънавий-ахлоқий муҳитни ўрғатиш ва оммалаштириш яхши натижа берапти. Чунинчи, фаолларимиз, қайвони қариялар маслаҳати ва тасвири туфайли олти низоли оилдаги маънавий муҳит яхшиланди, улар эндиликда тиң-тотув яшашапти. Хотин-қизлар, айниқса, туғуруқ ёшидаги аёллар ва ёшларнинг соғлигини сақлаш ҳамма диққат марказимизда. 3-шаҳар поликленикаси билан муҳим ҳамкорлик Шифокорларнинг репродуктив саоматлик, гўдақларни соғлом ўстиришга доир суҳбатларига аёллар

ҲАММА ИШЛИ БЎЛАДИ

Фаридаҳон ЖЎРАБЕКОВА, Янгийўл туманидаги "Мезон" маҳалласи фуқаролар йиғини раиси: — Одамлар ҳақида гамхўрлик — янгилашаётган жамиятимизнинг инсонпарварлик хусусиятини белгиловчи асосий тамойил. Кучли ижтимоий ҳимоя эса, давлатимиз ички сиёсатининг устувор йўналишидир. Давлат ва жамият бошқаруvinинг энг куйи бўғини — маҳалла фуқаролар йиғинлари бу тамойилларнинг амалда рўёб-

га чиқишида муҳим ўрин тутмоқда. Маҳалламизда 1051 та хонадон бўлиб, уллардаги 1071 оилада 2728 киши истиқомат қилмоқда. Оилалардаги муаммоларни аниқлаб, маҳалла кенгаши мажлисида қўриб чиқиш, муҳтожларни қўллаб-қувватлаш учун бор молиявий манбалардан имкон қадар фойдаланишга ҳаракат қилаяпти. Биринчи йрим йилда 100 дан ортққ фуқаро ижтимоий ёрдам сураб мурожаат қилди. 200 дан ортққ кишига ҳуқуқий маслаҳатлар бажарилди. Икки

ТАДБИРКОРЛИК — РЎЗБОРГА БАРАКА

Суннат МАҚСУДОВ, Қибрай туманидаги "Янгийўл" маҳалласи фуқаролар йиғини раиси: — Бугун турмуш даражасини ахшиллаш, оиласи фаровонлигини ўйламаган киши йўқ. Бунинг асосий шартли меҳнат эканлигини ҳам ҳамма билади. Қайси хонадонга кирманг, тадбиркорликнинг бирор тури йўлга қўйилган. Аёлларимиз кўрпачуларча ва парда тикиш, торт ёки бошқа қандолатчилик маҳсулотлари тайёрлаш билан шуғулланишади. 12 иш-

билармон маҳалладошимиз кишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тадбиркорликнинг бошқа турлари билан банд. Мустақилликнинг дастлабки йилларида фуқаролар йиғини учун янги бино қурилди. 2010 йили қишлоқ врачлик пункти қуришга 37,5 миллион сўм сарфланди. 2011 йили Арғин кўчасидаги хонадонларнинг электрлаштириш учун 23 миллион сўмлик иш бажарилди, 800 метр йўлга шағал ётқизилди. Бу йил 14,5 миллион сўм сарфланиб, "Бувра

ота" мақбараси барпо этилди. Мустақиллик кўчасидаги 30 та хонадонга ичимлик суви олиб кирилди. Шу йилнинг ўзида 42 киши доимий иш жойига эга бўлди. Маҳалламизнинг ўзинда еттига янги иш ўрни барпо этилди. Мустаҳкам оила йилда Хотира майдони, тарих музейида маънавий-маърифий ишлар кучайтирилмоқда. Қисқаса, мустақиллик байрами арафасида маҳалламиз кўрик-танловда "Энг намунали маҳалла" номинацияси бўйича голиб деб топилгани тасодифий эмас.

"Тошкент ҳақиқати" мухбири Жўра САБДУЛЛАЕВ ёзиб олди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҚУЙИДАГИ НОТАРИУС ЛАВОЗИМЛАРИГА ТАНЛОВ ЎТКАЗИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ангрэн шаҳар 3-сон давлат нотариал идорасига 1 нафар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қуйидаги нотариус лавозимларига танлов ўтказишини қайта эълон қилади

Олмалик шаҳар 1-сон давлат нотариал идорасига 1 нафар

Олмалик шаҳар 5-сон давлат нотариал идорасига 1 нафар

Бўка туман 1-сон давлат нотариал идорасига 1 нафар

Ўрта Чирчиқ туман 1-сон давлат нотариал идорасига 1 нафар

Янгийўл туман 1-сон давлат нотариал идорасига 1 нафар

Чиноз туман 2-сон давлат нотариал идорасига 1 нафар

Охангарон туман 2-сон давлат нотариал идорасига 1 нафар

Қибрай туман 1-сон давлат нотариал идорасига 1 нафар

Паркент туман 1-сон давлат нотариал идорасига 1 нафар

Чирчиқ шаҳар 1-сон давлат нотариал идорасига 1 нафар

Танловда катнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

- Комиссия номига ариза;
- Паспорт нусхаси;
- Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;
- Меҳнат дафтарчасининг нотариал ёки иш жойида тасдиқланган нусхаси;
- Талабгорнинг малака имтиҳонини топширганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма (малака имтиҳонини топширган, лекин нотариус лавозимида ўз йил мобайнида ишламаган талабгорлар эса малака имтиҳонини қайта топширганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма);
- Охириги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.

Танловда йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга, юридик мутахассислик бўйича камида уч йил муддатли иш стажига эга бўлган, шу жумладан, белгиланган тартибда стажировкани ўтаган, малака имтиҳонини топширган Ўзбекистон Республикаси фуқароси иштирок этиши мумкин.

Танловда иштирок этишни хоҳловчи фуқаролар 2012 йил 17 октябрь кунига қадар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига мурожаат этишлари лозим.

Манзил: Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 5-ўй.
Телефонлар: (8-371) 233-44-48, 236-78-52, (ички) 183, 184, 185.

Субъект естественной монополии ООО "ЕКОТЕХПРОЕКТ ENGINEERING" сообщает о декларировании цен на "Услуги транспортного терминала"

Наименование услуг	Единица измерения	Цена, утвержденная органом ценового регулирования
1. Хранение грузов в таможенном режиме	Тонна в сутки	460,00
2. Погрузка-разгрузка грузов рабочей силой в таможенном режиме	Сум в час	4 877,00

Утеряннуо гувхонама № 11-01521 (реестр № 12624), выданную от 24.08.2004г. отлдом гос. регистраций субъектов предпринимательства хохимия Яккасарайго района г. Ташкента на имя Васильева Андрей Владимировича, СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

Тошкент вилояти, Ангрэн шаҳар ТСОҒИ томонидан 28.02.2012 йилда гувхонама рақами 1027 билан рўйхатдан ўтган "FEEDING-UNIVERSAL" (ИНН 302218231) масъулияти чекланган жамиятига тегишли бир донла мулк ҳўқуқларини сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ООО "GREENSAM AZIA BIZNES", зарегистрированное отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства хохимията Шайхантахурского района г. Ташкента (реестр № 004820-09 от 17.01.2011г.), расположенное по адресу: г. Ташкент, Шайхантахурской район, ул. Б. Закирова, 25 (ИНН 207086096), ЛКВИДИРУЕТСЯ (протокол собрания от 02.10.2012г.). Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления.

В связи с выходом из состава учредителей ООО "MAX IRON STONE" уставной капитал общества с ограниченной ответственностью ООО "MAX IRON STONE" уменьшился с 40 000 000 (сорок миллионов) сум до 3 000 000 (три миллиона) сум.

ООО "XIN REN LEI" (ИНН 206987219), зарегистрированное отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства хохимията Учтелинского района г. Ташкента, расположенное по адресу: Чиланзар 26-24-13-4, ЛКВИДИРУЕТСЯ (протокол собрания № 2 от 02.10.2012г.). Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования данного объявления по тел.: 911-93-33.

ШОДЛИК УЛАШМОҚ БАХТИ

Юксак билимли, мустақил фикрлайдиган, касб-хунарли ёшларига мамлакатнинг буюк келажигини таъминлай олади. Зеро, ўсиб келаятган ёш авлоднинг саводхонлик даражаси мамлакатимиз иқтисодий-ижтимоий барқарорлигини ифода этади. Ҳар бир юртнинг жаҳондаги маъқеи айнан шу мезон билан ўлчанади.

Шундай экан кенжа авлодга кўз нури ва қалб кўрини бахш этиб, илму фан сирларини, одамийлик сабоқларини ўргатаётган, мамлакатимизнинг салоҳияти ва кудратини ошириш йўлида самарали меҳнат қилаётган минг-миглаб жонқуяр ўқитувчи ва муаллимлар, устозлар олдида ҳар қанча таъзим қилсак арзийди.

Ўртбошимиз таъбири билан айтганда, улар энг улуг, шу билан бирга энг машаққатли касб эгаларидир.

Азиз устоз ва мураббийлар шарафига вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманларида ўтаётган байрам шодиёналари Ўрта Чирчиқ туманида давом этади. Байрамга кўллаб фатҳий устозлар, мактаб ва касб-хунар коллежлари ўқитувчилари тақдир этилди. — Уз ҳаётимдан жуда мамнунман, бахтлиман, — дейди тумандаги Педагогика ва сервис касб-хунар коллежи раҳбари Хушнуд Норкулов. — Истиқлол туфайли шундай кунларга етганимизга минг шукр. Инсон қадри эъзозланган замонда яшашнинг

ўзи шараф. Ён-атрофга назар ташласак, улкан бунёдкорлик ишларидан кўз кўради. Янги, замонавий таълим муассасалари, спорт иншоотлари дилни яйратади. Шундай шарт-шароитларда ишлаш янада куч, ғайрат бағишлайди. Олдинга интилинг, янги-янги марраларни забт этинг келаверади. Бу инсон қалбидagi ифтихор туйғусидир.

Дарҳақиқат, истиқлол йилларида нафақат таълим тизимини ислоҳ қилишга, балки ўқитувчи ва мураббийлар меҳ-



натини рағбатлантиришга ҳамда уларга эҳтиром кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилди.

— Давраларнинг түри бизники, — дейди тумандаги 57-умумтаълим мактаби директори Сафарали Нуроматов. — Бугунги байрам ҳам юртимизда таълим ходимларига кўрсатилаётган ғамхўрликнинг ёрқин ифодасидир.

Шўх куй-қўшиқлари кутловлар билан байрам янада эсда қоларли бўлди.

Тадбир якунида "Ўзулгур-



жисавдоинвест" уюшмаси, "Тўйтепаулгуржисавдо" масъулияти чекланган жамияти каби ҳомиёларнинг устозлар учун аталган эсдалик соғвалари тақдим этилди. Тўкин дастурхон атрофида жам бўлганлар юзидаги самимий табассум миннатдорчилик ифодаси эди.

— Ҳаётда эришган ютуқларимизда аввало устозларимизнинг меҳнати бор, — дейди "Тўйтепаулгуржисавдо" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Мирзоқир Фозилов. — Шундай экан, улар биз учун доимо азиз ва қадрлидир. Устозлар ҳолидан хабар олиш ҳам фарз, ҳам қарз. Оз бўлсада, жонқуяр устозларга шодлик улашишдан бахтиёримиз.

Ирода НОРБОЕВА, "Тошкент ҳақиқати" мухбири. Собир ЗУФАРОВ олган суратлар.



ИШЧИЛАР ЗАВОДГА БОСТИРИБ КИРИШДИ

Reuters агентлиги тарқатган хабарда айтилишича, Франциянинг Флоранж шаҳридаги Arcelor Mittal компаниясига қарашли металлургия заводи ишчилари корхона ҳудудини ҳужум билан эгаллашди.

Компания раҳбарлари заводни ёпиб, 60 кун ичида унга харидор топшириш ниятида эканликларини айтишди. Ишлаб чиқаришнинг асосини ташкил этувчи иккита домна печи 550 киши иш билан таъминлайди. Улардан қирққа яқини корхона ҳудудига бостириб кириб, раҳбарлар офисига йўлни тўсиб қўйдилар.

Печлар 14 ойга ёпилган эди. Энди улар бутунлай тўхташи мумкин. Бунга йўл қўймаслик учун ҳозир қасаба уюшмаси вакиллари заводни давлат мулкига айлантириш имкониятлари ҳусусида ҳукумат билан музокара олиб боришапти.

Бугунги кунда Францияда ишсизлар 3 миллион кишидан ошди. Социалистлар ҳукумати президент Франсуа Олланд бошчилигида махсус қонун лойиҳаси тайёрламоқда. Унга мувофиқ фойда қўриб ишлаётган компаниялар корхонага харидор топмагунча, ишлаб чиқаришни тўхташига ҳақли эмас.

ЯПОНИЯДА ЯНА КУЧЛИ ЗИЛЗИЛА

Япониянинг шимоли-шарқий соҳилларида 2 октябрь куни эрта таъ 6,2 магнитуда куч билан зилзила рўй бергани ҳақида хабар тарқатди Reuters АҚШ геология хизмати маълумотида таяниб.

Америка сейсмологларининг маълумотларига кўра, зилзила Маркази Иватэ музофоти (Хонсю ороли)даги Мияко шаҳридан шимоли-шарқий томон 96 километр нарида бўлган. Табиий офат туфайли цунами содир бўлиши мумкинлиги ҳақида ҳозирча хабар тарқатилмапти.

Шу йлнинг 11 мартда Япониянинг шимоли-шарқий соҳилларида 9 магнитуда куч билан ер силкнган эди. Ушанда Иватэ, Мияги, Фукусима музофотлари ушиб юзлаб киши ҳалок бўлган эди. 20 мингга яқин одам табиий офат қурбонига бўлиб, юзлаб уйлар vayронага айланди. Зилзила туфайли "Фукусима-1" АЭСида авария юз берган эди. Энди бунинг оқибатларини баҳрафари этиш учун бир неча йил керак бўлади.



НИГОҲ ТОЖИК-АФҒОН ЧЕГАРАСИ: ТЕРРОРЧИЛАР УЧУН ОЧИҚ ДАРВОЗА

Кейинги пайтда оммавий ахборот воситалари агар АҚШ ва унинг иттифоқчилари 2014 йилнинг охиридаги қўшинларини Афғонистондан олиб чиқиш қарарини, Марказий Осиёда ҳавфсизлик муаммоси янада зўрайиши мумкинлиги масаласига эътиборни қўйишга тўғри келмапти. Таҳлилчиларнинг фикрига қараганда, Америка қўшинлари чиқиш кетганидан сўнг Афғонистонда яна "толибон"лар ҳокимияти

Чуноткин, Қозғистонда "Жунд ал-Халифат" ("Халифат аскарлари") жиҳод гуруҳи ҳаракат қилапти. У бир қатор шаҳарларда террорчилик актиларини амалга оширди. "Жунд ал-Халифат"нинг интернетга жойлаштирилган мурожаатида шундай дейилади: "Минглаб аъзоларимиз Исрол учун ўлишга тайёрлар."

"Жайшун-Махди" террорчи гуруҳи Қирғизистонда қатор қўпуровчилик актиларини содир этди. Бундан ташқари, "Хизб ут-Тахрир" диний-экстремистик ташкилотининг исломий ҳуқуқ-тартибот еки "Халифат" фояларини тарғибот қилишга қаратилган қизгин фаолият юритмоқда. Тожикистондаги қуроланган террорчи гуруҳлар янада фаол ва эркин ҳаракат қилиш имкониятига эга. Масалан, С. Жафаровнинг мақоласида шундай дейилади: "Тожикистон урушга тайёрланмоқда... Ҳозир фақат Раҳт водийси ҳудудидан ва Тоғли-Бадахшон мухтор вилоятининг тоғли туманларидан ўттиздан зиёд жангарилар яширинган бўлиб, минтаага қўпуровчилик хужуриларини содир этмоқдалар... Бугун қатъий ишонч билан айтиш мумкинки, Тожикистонда "бешинчи колонна"нинг асосий қисми шакланган бўлиб, афғон террорчи ва сепаратчилари айнан уларга таянишни режалаштиришмоқда. Бу тоғларда вақтинча яширинган жангариларга эмас. Жойлардаги ҳокимиятларнинг назоратсизлиги ва бўшанглиги мамлакатда "Саъафия" диний-экстремистик оқими кенг қулоч ёйишига сабаб бўляпти. Тожикистонда уларнинг тарафдорлари бўлган фуқаролар ачибижиб ётибди. Сўғд вилояти асосий марказлардан бирига айланди. Ушбу оқим қалавасининг учи нафақат Тожикистон, балки Қозғистон, Қирғизистон, Қатар, Бирлашган Араб Амириклари ва бошқа давлатларга чуваланиб боради."

Ушбу кўчирма матнга "Жамият ул-Ансоруллох" гуруҳининг видео мурожаатини ҳам қўшиб бўлади. У тожикиларни Тожикистондаги демократия ва сиёсий янгиланишга қарши террорчилик актиларини уюштириш йўли билан жиҳод қилишга чақирапти. Гуруҳ вакили видеомурожаатда таъкидлайдики, ҳозир улар Тожикистон-пресс".

Тожикистондаги қуроланган террорчи гуруҳлар янада фаол ва эркин ҳаракат қилиш имкониятига эга. Масалан, С. Жафаровнинг мақоласида шундай дейилади: "Тожикистон урушга тайёрланмоқда... Ҳозир фақат Раҳт водийси ҳудудидан ва Тоғли-Бадахшон мухтор вилоятининг тоғли туманларидан ўттиздан зиёд жангарилар яширинган бўлиб, минтаага қўпуровчилик хужуриларини содир этмоқдалар... Бугун қатъий ишонч билан айтиш мумкинки, Тожикистонда "бешинчи колонна"нинг асосий қисми шакланган бўлиб, афғон террорчи ва сепаратчилари айнан уларга таянишни режалаштиришмоқда. Бу тоғларда вақтинча яширинган жангариларга эмас. Жойлардаги ҳокимиятларнинг назоратсизлиги ва бўшанглиги мамлакатда "Саъафия" диний-экстремистик оқими кенг қулоч ёйишига сабаб бўляпти. Тожикистонда уларнинг тарафдорлари бўлган фуқаролар ачибижиб ётибди. Сўғд вилояти асосий марказлардан бирига айланди. Ушбу оқим қалавасининг учи нафақат Тожикистон, балки Қозғистон, Қирғизистон, Қатар, Бирлашган Араб Амириклари ва бошқа давлатларга чуваланиб боради."

Америкалик эксперт Ричард Солас айтдики, нафақат Тожикистондаги ички вазият, балки унинг Афғонистон билан узундан-узқ чегарасидаги аҳвол, гиёҳвандлик моддалари контрабандаси, экстремистик гуруҳларнинг тўсиқларсиз кириб келиши ҳам хавф тугдиради. Тожикистон Марказий Осиёдаги энг бўш бўлган ҳисобланади ва унинг ҳудудидаги беқарорлик бутун минтақадаги вазиятга таъсир этиши мумкин. Оммавий ахборот воситаларининг тожик-афғон чегараси ва Тожикистоннинг бир қатор чегара қўшинларидаги тартибсизликлар ҳақидаги хабарлари оддий фуқароларни ташвишга солимоқда. С. Сокиевнинг Центр Азия сайтида эълон қилинган "Тожикистонга хуш келибсиз, жангарилар" мақоласида қўйиладиган таъкидланади: "Кейинги йилларда Тожикистоннинг Шўробод тумани Афғонистон чегарасидан ҳеч қандай муаммосиз ўтиладиган жойга айланмади. Молларни ўғирлаб кетиш, одамларни гаровга олиш, гийҳвандлик моддалари ва қуроллар контрабандаси оддий ҳол бўлиб қолди. Аммо, ҳукумат ҳеч қандай чора қўрмапти. Тожикистоннинг 35 минг гектар яқин ҳудудни афғон жангарилари назорати остида. Бу орада барча экстремистик ташкилотлар фаолиятини қучайтирапти. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг яширин диний-экстремистик ташкилотлар ҳаракатини тўхтайтишга уришлари мутлақо самара бермапти... Жангарилар маҳаллий қизларга уйланиб, Тожикистон паспортига эга бўлмоқдалар ва Сўғд ҳамда Хатлон вилоятларидаги ҳаммаслақлари билан яқин алоқа боғламоқдалар. Радиокал қайфиятдаги дала командирлари Қоратегин, Табилдар, Жирғатолдаги яширин қўналганларда мустахкам туриштипти. Тоғли туманлардаги кўллаб ҳудудлар эса расмий ҳукумат томонидан деярли қўрилганмапти."

Бундай очик эътирофни эшитган ҳар бир Тожикистон фуқароси ҳам ҳайрат, ҳам қўқувдан ёқа ушлаб, савол бериши мумкин: "Уз халқининг тинчлик ва оқилолигини сақловчи Тожикистон чегара қўшинлари нима қилапти?..."

Дмитрий КОЧЕТКОВ. tajmigrant.com.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

ҲАЁТ МАНЗАРАЛАРИ

Баъзан шундай бўладики, бир маҳаллада яшаб, у одамнинг феъл-атворини билмайсиз. Маҳалламиздаги Тошматбой билан яқинлигимиз йўқ ҳисоби. Тўймаърақаларда қўпам иштирок этмайди. Ишли одам, вақти йўқдир-да, деб эътибор бермасдик.

Вақти келиб, Тошматбой нафақага чиқди. Энди маҳалла-қўйга қўшилиди, уйда қолса зерикади, деб ўйлади. Йўқ, Тошматбой маҳаллага эл бўлмади. Кўни-қўшинга ҳам очик чехра билан эшик очмади. Қора кўзойнаки қулоғи устига иланча, пўрим кийиниб, ҳар кўни шаҳарга танда қўйди. Узига ўшаган калондимого уч-тўрт жўра топиб, чойхонадан бери келмади. Маҳалла-қўй Тошматбойни қўп қатори йиғинларга айтаверди. Лекин у тўйини ҳам, бир ховуч фотиҳа ўқиладиган маъракаи ҳам писанд қилмади, чойхонадаги айш-ишратдан бўшамади.

Бу орзули дунёда ҳамма қиз узатиб, ўғил уйлантириб, қарзидан қутулгиси

келади. Тошматбой ҳам шу орзудан мусово эмас эди. Ўғлини уйлантириганида, дошқознодан оқ дамлатди. Катта боғига тўкин дастур-

Қариндошлар тўйбошига эшиттириб таъна қилдилар: — Мулла Тошматбой маҳаллани ошга айтипти-

— Бурноғи йили Тошматбойнинг онаси қазо қилди, — деди улардан бири. — Тўйда ҳам унча билинмас экан. Жаноза пайти катта ховли ҳувилаб қолди. Ўн-ўн беш чоғли одам билан қабрга қўйиб қелдик. — Энди, билиб-билмай гап айтиш ҳам гуноҳ, — деди қариндошлардан яна бир кексароғи. — Гуркираб ўсаётган дарахтнинг илди-зи ердан ажралса, қурийди. Оила ҳам шундай. Ёлдан ажралиб қолдимиз, заволга юз тутайди.

Юзлаб, минглаб оила-лардан таркиб топган маҳаллаларда эндиликда қадриятлар буйи кўрсатмоқда. Мехр-оқибат ришталари мустаҳкамланмоқда. Ота-боболаримиздан мерос қолган удувлар, анъаналар, ҳашарлар қайта тикланмоқда. Ҳар қандай оилага ҳам маҳалла-қўйнинг, қўни-қўшинларнинг меҳр-оқибати керак. Мухими, оилаларнинг маҳалладан айро ҳолда яшай олмаганини бугун ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб турибди. Собиржон ИНОМОВ.



хон ёздирди. Элга машхур хонданан чорпоғга ўтказиб қўйди. Афсуски, бирикки қариндош-уруғу ул-фатлардан бўлак меҳмонлар қорасини кўрсатмади. Йўлдақа ўтирган Тошматбойнинг кўзи тўрт бўлди. У овоз чиқармай йиғлаётган эди.

Экспертларнинг таъкидлашича, стоматология оламида оламшумул янгилик бўлади-ган мазкур восита шикастлан-ган эмалларни қайта тиклай-диган ва тилларни муҳофаза қиладиган дунёдаги биринчи эгилувчан алати пардадир. Япониянинг Кинки универ-ситети вакиллари томонидан ишлаб чиқилган ушбу парда тилга кийдирилганда, у кў-

ринмас тусга кирилади. Парда-ни ҳатто жуда ёрус чироқ остида ҳам кўриш мумкин. Хабарларга кўра, пардада кичик тешикчалар бўлиб, улар сўлак чиқариш ва ҳаво кириши учун мўлжалланган. Мазкур қасбиётини яна бир неча йилдан сўнг амалиётга жорий этиш мўлжалланмоқда. УзА.

БУ – ҚИЗИҚ

Галла нархи ошмоқда
Хом ашё биржаларида галла нархи ошиб бормоқда. Чикаго галла биржасида бир буюш (таҳминан 30 килограммга тенг) бугун рекорд кўрсаткич – 11,30 АҚШ долларига баҳоланган. Бу аввалги савдода қайд этилган нархдан 3,5 фоиз кўпдир.

Маълумотларга қараганда, макмажҳори ҳам қимматлашмоқда. Мутахассисларнинг сўзларига кўра, бунинг боиси – ўсимликнинг ушбу туридан бензин ўрнини босадиган биологик ёқилғи тайёрлаш кенг йўлга қўйилганидир.

«Philips» ходимларини мишдан бўшатди

Нидерландиянинг электроника маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Philips» компанияси харажатларни камайтириш мақсадида 2200 ходимини ишдан бўшатишга қарор қилди. Компания шу йўл билан уч юз миллион евро миқдорда маблағни тежаш ва 2014 йилгача 1,1 миллиард АҚШ долларлик харажатларни қисқартириш ниятида.

РАТА-ТАСС мухбирининг хабар беришича, «Philips» 2011 йили 1,3 миллиард евро миқдорда молиявий зарар кўрган. Аини вақтда мазкур компания дунё мамлакатларида 122 минг нафар ишчи ходимига эга.

БИЛАСИЗМИ?

Япониялик олимлар тишини ташқи таъсирдан ҳимоя қиладиган юпка парда яратди. «Medical xpress» нашрининг ёзишича, тишга кийдирилган мазкур восита кариесни бартараф этиш ва сезувчанликни камайтириш хусусиятига эга. У гидроксиапатит – тишининг суюқ тўқима-си ва қаттиқ тўқималарнинг асосий минералидан тайёрланган ультраэгулгивчан чидамли материалдан иборат.

Тишлар учун ҳимоя

Экспертларнинг таъкидлашича, стоматология оламида оламшумул янгилик бўлади-ган мазкур восита шикастлан-ган эмалларни қайта тиклай-диган ва тилларни муҳофаза қиладиган дунёдаги биринчи эгилувчан алати пардадир. Япониянинг Кинки универ-ситети вакиллари томонидан ишлаб чиқилган ушбу парда тилга кийдирилганда, у кў-

РАССОМ ХАНДАСИ

— Дада, ўқитувчим «папка»ни сиз билан бирга мактабга олиб боришимни илтимос қилди.



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТОШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Убайдулла
АБДУШОҲИДОВ
Манзилимиз:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар
кўчаси, 32.
e-mail:
th.tp@mail.ru

Телефонлар:
233-64-95, 236-55-59,
233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва
мухбирлар:
233-12-83, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар:
236-55-54.
Ҳисоб-китоб бўлими:
233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир
Жўра САЪДУЛЛАЕВ
Навбатчи
Ирода НОРБОЕВА
Саҳифаловчи
Тоҳир МАҲМУДУЖАЕВ